Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.), «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.), «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 октябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 44 (21. 163) 1992 йил 3 март, сешанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар. Воқеалар. Шарҳлар.

● *Ўзбекистон ва жаҳон*

ЎЗБЕКИСТОН—САУДИЯ АРАБИСТОНИ:

● Иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтиришда қўшма корхоналарнинг аҳамияти катта.

● Амалий алоқаларни ривожлантириш иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстликни қарор топтиришнинг ишончли кўпригидир

ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ:

● Республика бош вазири амалий ташриф билан Венгрияга жўнаб кетди

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ:

● Барча соҳалардаги ҳамкорлик режалари ҳақида музокаралар

● Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги тўғрисида қўшма протокол имзоланди

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

● Мададингиз учун раҳмат!

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАВЕРСИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республикамизга ташриф буюрган Саудия Арабистони «Хенел индастриз ЛТД» консорциумининг ижрочи директори шайх Холид Аҳмад Али Ризони 29 февраль куни қабул қилди.

Дўстона ва самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони ўртасида иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари ўрнатиш ҳамда ривожлантириш масалаларига катта аҳамият берилди. Бу алоқаларнинг узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли бўлишини таъминлаш истаги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти меҳмонга республикамизнинг имкониятлари, унинг ноёб табиий бойликлари ҳақида ҳикоя қилди, афсуски, улардан ҳанузгача тўлиқ фойдаланилмаяпти. Гап шундаки, Ўзбекистон узоқ вақт собиқ Иттифоқнинг хом ашё етказиб берадиган мустамлака ўлкаси бўлиб келди. Тайёр маҳсулот, ҳатто халқ истеъмол моллари ҳам бошқа минтақалардан келтирилди.

Биз эндиликда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги технология линияларини барпо этишни муҳим вазифа қилиб қўймоқдамиз. Мустақиллигимизнинг асосий мақсади ҳам республиканинг барча бойликларидан халқимиз манфаати йўлида фойдаланишдан иборат.

Суҳбат чоғида қўшма корхоналар барпо этишга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришда ана шундай корхоналарнинг аҳамияти беқиёс эканлиги уқтирилди. Бу, биринчидан, ортиқча ишчи-лаб чиқаришга кучини ишлаб жалб этиш, иккинчидан эса тайёр маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини яратади.

Икки давлат ўртасида мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам тилга олинди. Республикамиз фуқароларини Арабистонга малака ошириш учун бориш таклифи мамнуният билан қабул қилинди.

И. А. Каримов Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида барча соҳаларда амалий алоқаларни ривожлантириш иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстликни қарор топтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади деб ишонч билдирди.

Шайх Холид Аҳмад Али Ризо кўрсатилган иззат-ҳурмат ва эътибор учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Мустақиликка эришган Ўзбекистон давлати, —деди, у, — жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқдаки, бундан биз жуда мамнунмиз. Бизнинг мамлакатимиз Ўзбекистон билан ўрнатиладиган ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкам бўлишига катта аҳамият беради, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланади.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикасининг молия вазири Э. Боқибоев, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов иштирок этдилар.

Саудия Арабистонидан келган меҳмон ва унинг ҳамроҳлари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Улар Самарқанд ва Бухорога ҳам сафар қилиб, қадимий меъморчилик обидалари билан танишдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбек диёридан совға. **С. ВЕЛИЧКИН** олган сурат. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВЕНГРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Бош вазир А. Муталов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан Венгрияга жўнаб кетди.

Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ФРАНЦИЯЛИК МЕҲМОНЛАР



Қабул пайти. **Р. НУРИТДИНОВ** олган сурат (ЎзА).

Республика Бош вазири А. Муталов биринчи март куни Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Франция делегацияси аъзоларини қабул қилди. Делегацияга Франция Республикасининг ташқи ишлар давлат котиби Ален Вивьен бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар мустақил Ўзбекистондаги ҳозирги сиёсий ва иқтисодий вазият билан таништирилди. Ушбу ташриф республикамиз билан Франция ўртасида янада мустаҳкам алоқа ўрнатиш ишида жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб умид билдирилди. Шунингдек А. Муталов ҳурматли меҳмоннинг бир қанча саволларига жавоб қайтарди.

Франция давлат котиби кўрсатилган иззат-икром учун республикамиз ҳукуматига миннатдорчилик билдирди. Ўрта Осиёнинг энг катта минтақаси бўлмиш Ўзбекистонга барча соҳалардаги ҳамкорлик режалари ҳақида музокара юритиш учун келдик ва ҳукуматларимиз умумий тил топишишларига аминман, деди у.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев қатнашди.

Шу куни Республика Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги тўғрисида қўшма протокол имзоланди. Уни Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев билан Франция ташқи ишлар давлат котиби Ален Вивьен имзоладилар.

Душанба куни меҳмонлар Самарқандга сафар қилдилар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

● *Долзарб мавзуда суҳбат*

● Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги меҳр-мурувват ҳаво кўпригидаги доимий ишлаб турибди. Анқарадан миллий авиация компаниясининг тайёралари Тошкентга кеча-ю кундуз инсонийлик ёрдамини келтириб турибди. Шу дўст мамлакатдан юборилаётган юкларни қабул қилиш ва тақсимлаш учун Ўзбекистон Президентининг фармойишига биноан республика комиссияси тузилгани илгари хабар қилинган эди.

Ушбу комиссиянинг раиси, Республика Бош вазири А. Муталов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири А. Жўрабоевнинг саволларига жавоб қайтаради.

— Абдулхошим Муталович, шу олижаноб иш қандай бошланганини қисқача гапириб берсангиз.

— Бу иш Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Туркия Республикасига буюрган ташрифи билан бевосита алоқадор. Бу ташриф Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан кейин республикамиз бошлиғининг чет элга қилган биринчи сафари эди.

Мустақиллик демократияга, кўп партиялиликка, эркин ишбилармонликка кенг йўл очди. Бироқ бир қанча мураккаб иқтисодий муаммолар келиб чиқди. Бу — Ўзбекистон узоқ вақт қатъий рамликда қолганининг натижаси эканлиги табиий. Биз қийинчиликларни бартараф этишга қодирмиз, албатта. Аммо бунинг учун вақт керак, шунингдек, ҳорижий дўстларимизнинг мададига ҳам муҳтожмиз.

Ташриф вақтида И. А. Каримов Туркия Республикасининг раҳбарлари билан шу муҳим масала хусусида ҳам музокара олиб борганди, ташрифдан кейин орадан бир неча кун ўтгач, Туркия Тошкентга ҳайрия кўмаги тарзида дастлабки тонна юкларни юборди. И. А. Каримовнинг Швейцария сафари чоғида Президентимиз Туркия раҳбарлари билан яна бир бор учрашди, шундан кейин Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэл бўлғуси Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистонга 100 миллион долларлик беғараз ёрдам бериш ҳақидаги ҳужжатни имзолади.

— Ушбу кўмак нималардан иборат бўлади!

— Унинг таркиби хилма-хил: қанд-шакар, ун, ёг, ўсимлик мойлари, болалар таомлари, болаларга ва аёлларга аталган дори-дармонлар, гўдаклар кийимкечаги ва пойабзали... Бутун ёрдам ҳажми чамаси 5200 тоннага боради. Биз уни 15—20 кун ичида ташиб олишимиз керак. Бундан ташқари тез орада Туркия портларидан Одесса портига салкам 600 тонна дон етказиб берила бошлайди. У ҳам бизга аталган.

— Ана шу юкларни қабул қилиб олиш, ташиш, сақлаш унчалик осон бўлмаса керак. Уларнинг бир қисми нопон кишилар, чайқовчиларнинг қўлига ўтиб кетмаса яхши эди...

— Албатта, турли қийинчиликлар, кутилмаган муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бизнинг комиссиямиз айни мана шундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун тузилган. Комиссия таркибига ташқи ишлар, автомобиль транспорти, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, савдо вазирлари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компаниясининг бош директори, Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи, Касаба уюшмалари федерациясининг раиси, Болалар жамғармаси, Меҳр-мурувват жамғармаси ва бошқа бир қанча йирик ташкилотларнинг бошлиқлари киритилган.

Ҳозир комиссия аъзоларининг бир қисми, шу жумладан, Ўзбекистон Президентининг Истанбул шаҳридаги вакили Аҳмад Ирфон Курд ўғли, «Ўзбек трейдинг А. Г. Компани» фирмасининг президенти А. Олтойли Туркияда. Улар юкларни жўнатиш масалаларини

А. МУТАЛОВ:

«ТУРК ДЎСТЛАРНИНГ ЁРДАМИ АСҚОТАДИ»

турк биродарлар билан ҳамкорликда ҳал қилишмоқда. Комиссиянинг бошқа аъзолари эса келтирилаётган молларни қабул қилиш ва жойлаштириш билан машғулдирлар.

Шуниям таъкидламоқчиманки, комиссия ҳузурида махсус ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унга республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов бошчилик қилмоқда. Гуруҳ таркибига Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари К. Расулов, республика Ички ишлар вазирлигининг иқтисодий жиноятларга қарши кураш бошқармаси бошлиғи С. Тахтин ва бошқа масъул раҳбарлар киритилган. Тошкент тайёрагоҳида, пойтахт Ҳокимиятида, Савдо вазирлигида штаблар ҳам ташкил қилинган, энг зарур маълумотлар шу штабларга зудлик билан юбориб турилади.

Келтирилаётган ёрдам фақат битта жойда тўпланиб, муҳрлаб қўйилади. Сўнгги туркум юклар олинганидан кейингина республика комиссияси уни вилоятларга тақсимлашга киришади. Табиийки, ҳайрия ёрдами биринчи галда йўқсилларга, муҳтожларга, кўп болали оилаларга берилади.

— Туркиядан яна қандай кўмак кутилаяпти!

— Мана шу, беғараз ёрдамдан ташқари Туркия Республикасининг ҳукумати Ўзбекистонга катта миқдорда қарз беришни мўлжалламоқда. Бошқа бир қанча мамлакатлар ҳам бизга мадад қўлини узатадилар. Бу — қувонарли бўлса ҳам, аммо кўмак ва қарз билан, ҳатто энг самимий дўстларнинг мадади билан ҳам олисга бориб бўлмайди. Республикамиз ўз қадди-бастини тиклаб оладиган кун тез орада келишига аминмиз. Бунинг учун ҳамма шароитимиз бор. Ўшанда бизнинг ҳам бошқа давлатларга ёрдам беришга қурбимиз етади.

КУН ТАРТИБИДА ДАВЛАТ ТИЛИ МАСАЛАСИ

Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни шу комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов олиб борди.

Мажлисда давлат тили ҳақидаги Қонун ва уни амалга оширишга доир давлат дастурининг Ўзбекистон Республикаси Алоқа ҳамда Адлия вазирликларида бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Алоқа вазири К. Р. Раҳимов ва адлия вазирининг биринчи ўринбосари М. Э. Абдусаломов шу масала юзасидан ахборот бердилар.

Мазкур вазирликларда Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш борасида муайян ишлар қилинаётганлиги таъкидланди. Масалан, Адлия вазирлигида Қонунга шарҳ ёзилиб, кўп нусхада нашр этилди. Алоқа вазирлигида эса иқтисодиёт ва иш юритиш атамаларидан иборат кичик луғат, алоқа ходимлари русча-ўзбекча сўзлашгичи тайёрланмоқда, Тошкентдаги шаҳарлараро телефон станциялари икки тилда буюртма олувчи мутахассислар билан таъминланаётир.

Бироқ бу борадаги камчиликлар ҳали талайгина. Алоқа вазирлигида Давлат тили ҳақидаги Қонунни бажариш юзасидан тузилган комиссия изчил ишламаяпти, Адлия вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармасида эса ҳали ҳам тил комиссияси тузилмаган, бу ерда ўзбек тили машғулотлари етарлича олиб борилмаётир.

Комиссиянинг ушбу масала юзасидан қарорида Давлат тили ҳақидаги Қонун ва уни амалга оширишга доир давлат дастурини бажаришни тубдан яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Комиссия мажлисида атамашунослик комитети томонидан тавсия этилган маъмурий бошқарувга ва бошқа соҳаларга оид атамаларнинг ўзбекча муқобиллари ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар бундай атамаларни муайян тартибга солмай туриб, уларни қўлланишдаги ҳар хиллик ва чалкашликларга чек қўйиб бўлмаслигини айтдилар. Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чалкашликлар тез-тез учрамоқда. Эндиликда бундай хилма-хиллик иш қоғозларида, пешлавҳаларда, муҳрларда ҳам такрорланмоқда. Атамаларни қўлланишда тегишли меъёрга риоя қилиш даркор.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

(ЎзА мухбири).

АНИҚЛИК КИРИТАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида» рўзномаининг 29 февраль сонида эълон қилинган Фармонининг «Навоий вилоятидаги» деган қисмидаги 2-абзац қуйидаги янги таҳрирда ўқилсин:

Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати технология институти бўлимининг негизида Тошкент Давлат техника дорилфунунининг кон-металлургия ва энергетика йўналишидаги Навоий бўлими.

21 МАРТ—НАВРЎЗ БАЙРАМИ

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган мажлисига ХДП шаҳар ва район кенгашларининг биринчи котиблари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва район ҳокимлари таклиф этилди.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1992 йил Наврўз байрамини кенг нишонлаш юзасидан белгилаган тадбирлари ҳамда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг Тошкент вилоятида Наврўз халқ байрамини ўтказиш ташаббуси юзасидан қабул қилган қарори тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу тўғрида ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов ахборот берди.

Бюро мажлисида сўзга чиққан ўртоқлар Наврўз байрамини ўтказиш бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бюро мажлиси ХДП вилоят кенгаши ҳузурида «Наврўз» ҳайрия-эҳсон жамғармаси ташкил қилишни тавсия этди.

Кенгайтирилган бюро мажлисида вилоят ҳокими Т. П. Хидиров қатнашди ва нутқ сўзлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

Ўзбекистон Халқ демократик партияси республикамизнинг шаклланаётган сиёсий ҳаётида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда. Мустақил жумҳуриятимиз айни пайтда кўпдан-кўп мураккаб давлат, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал этяпти. Халқаро майдонга мустақил чиқиш борган сари кўпроқ аҳамият касб этаётир. Шу вазифаларни амалга ошириш учун жамиятда барқарорлик бўлиши лозим. Бу эса кўп жиҳатдан сиёсий партиялар, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар ва ҳаракатлар тутадиган амалий йўлга ва масъулиятга боғлиқдир.

Сиёсий механизмни — ҳокимият воситасини ташкил этувчи омиллар тўғрисидаги тушунчани англаш раҳбарлар учун долзарб қарорларни қабул қилишда зарурдир. Тарих шуни кўрсатмоқдаки, мана шундай қарорларнинг кўпи охир оқибатда кейинчалик бекор қилиш ёки аввалги ҳолига қайтариш мумкин бўлмайдиган натижаларга олиб келган. Афсуски, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатда — сиёсий фаолиятда ўша заҳотиёқ манфаат кўриш ёки номигагина самара бериши мумкин бўлган натижага эришиш учун узоқ муддатли истиқболларни менсимаслик одат тусига кирган эди. Жўн шуҳратпарастлик демократиялашнинг жадал жараёнлари туфайли сиёсий майдонга отилиб чиққан ва обрў-эътибор топган кўплаб кишилар фаолиятининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолган.

Мустақилликка эришилган шароитда реал давлатчиликнинг ўзининг барча белгилари бўлган идоралар мажмуини ташкил этишга киришар эканмиз, биз ўзимизни ҳар ёққа

ХДПНИНГ СИЁСИЙ ЎҚИШЛАРИ

ташламаслигимиз, ҳозир мавжуд бўлган ва янгидан дунёга келаётган ижтимоий-сиёсий кучларнинг «болаларча сўллик касали»га мубтало бўлмаслигимиз керак.

Бугунги воқеаликда жуда кўп жойларда, айниқса, собиқ марказнинг минтақаларида ҳамма одамлар ҳам ҳокимиятнинг ва машҳурликнинг оғир юкини кўтараяптилар, деб бўлмайди. Шу боис айрим «демократик» арбоблар илгари ўзлари кўтариб чиққан чиройли шиорларни амалда рўёбга чиқаришда тўсиқларга дуч келиб, янги большевистик усулларни қўллашга ўтмоқдалар. Мана шундай усулларнинг энг ашаддий муаллифлари ҳам ҳозир уларга бу соҳада ҳавас қилган бўлардилар.

Давлатни бошқариш жараёнларида иштирок этишдан иборат табиий ҳоқиш иродани рўёбга чиқаришда сиёсий экстремизм, масалаларни сийқалаштириш, баъзан эса умуман муаммоларга чаласаводлик билан ёндашиш нақадар хавфли эканлигини айтиб ўтмаса ҳам бўлади. Шу сабабли ҳозирги шарт-шароитларда Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясига, унинг реал давлатчилик тузилмасига, сиёсий тизимига шундай қарама-қарши турувчи ва кафолат берувчи воситани киритиш керакки, у ўлкада сиёсий алғов-далғовлик ва беқарорлик юзага келиши имконига йўл қўймайдиган бўлсин.

Бу ўринда жаҳон амалиёти, турли типдаги сиёсий партиялар иш тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас. Аммо уларни айнан кўчирмасдан, балки Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олиб қараб чиқмоқ жоиздир.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛИЯТ ВОСИТАСИ

I. ПРЕЗИДЕНТ ПАРТИЯСИ

Мазкур тушунчанинг бир қанча маъноси бор. Аввало, вакили, аниқ-равшан бир партиянинг Дастурига асосланиб давлат Президентлигига сайланган партияни олайлик. Одатда, Президент «ўз» партиясига биринчи навбатда ҳукуматни ва давлат бошқарувининг асосий қисмларини шакллантираётганда таянади. Жаҳон амалиётида партия аъзоси — Президент ўз сиёсатини юргизаётганида уни бу партиядан мустақил равишда ҳаракат қилиши каби ҳоллар тез-тез учрамоқда. Президентни ўзининг сиёсий назоратида ушлаб турувчи партиялар борлиги факти кам учрайди. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг ҳуқуқий онглилиги ва халқнинг ҳуқуқий онглилиги шундаки, давлат Президенти ўз партиясининг зуғумидан мустақил бўлиши лозим.

Агар бир киши ҳам давлат Президенти, ҳам партия раиси (раҳбари) вазифаларини бажарадиган бўлса, у ҳолда вазият ўзгаради. Ў ҳолда партия ўз фаолиятида Президентнинг давлат сиёсатини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таъминлашга ва қўллаб қувватлашга барча кучларини сафарбар қилади. Бу ўринда партия ўзининг мустақил стратегиясини амалга ошириш имкониятлари унчалик катта бўлмайди. Тактик масалаларда эса партия ўз раҳбарига аниқ-равшан таклифлар бериш, маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар кўрсатиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида кўп партиялилик мавжуд. Шунинг учун давлат президентлари ўз партияларига содиқликлари ҳақида аюҳаннос солишга уринмайдилар. «Президент» партиясининг раҳбарияти ва аппарати мана шундай сиёсатга риоя этади. Бироқ айрим мамлакатларда, чунончи Францияда социалистик партиянинг кўпдан-кўп оддий аъзолари ва кадр ходимлари ўз раҳбарларини — Президентни кўпинча танқид қиладилар. Иттифоқчиликнинг мустаҳкамлиги, Президент ва унинг партияси ўртасидаги бирлик раҳбар олиб борган сиёсат ва партия аъзоларининг туб манфаатлари бир-бирига мос тушиши умумийлиги даражасига қараб белгиланади.

Давлат Президентининг ўз партияси билан ўзаро муносабатлари салбий бўлган ҳолатга мисол тариқасида шубҳасиз М. Горбачев билан КПСС ўртасида 1988 йилдан сўнг юзага келган вазиятни келтириш мумкин.

М. Горбачев Коммунистик партиянинг ички ҳолатини, унинг марказдан қатъиқ туриб бошқарилишини, ҳаммаёқ расмиятчилик билан тўлиб-тошганини, жойларда ташаббус кўрсатишдан қўрқиш ва юқорининг буйруғини кутишга ўрганиб қолинганлигини яхши биларди. Шунга қарамай у янгиланиш зарурлиги ҳақидаги узундан-узоқ мулоҳазалар билан чекланиб юраверди. Бу қудратли, ниҳоятда интизомли тизимни демократиялаш ва ислоҳ қилиш учун амалда деярли ҳеч қандай иш қилмади. Бу билан у партияни таг-тубсиз жар ёқасига судради ва сиёсий инқироз қаърига ташлади. М. Горбачев ниҳоятда танг пайтда партияни ислоҳ қилинишга ноқобил деб унга хиёнат қилди.

Ҳа, раҳбар ўзининг шахсий хавфсизлигини ўзига ишонган миллионлаб кишилар манфаатларидан уялмай-нетмай устун қўйди. Бундай кўламдаги сиёсий партиялар тарихида ана шундай шармандали аҳвол рўй бермаган эди.

Кейинги йилларда сиёсий амалиётда шарқий Европа ва собиқ СССР давлатларида Президентнинг ўз партиясидан чиқиши ёки аъзоликни тўхтатиб қўйиши оддий аҳволга айланиб қолди. Бир томондан бу партиялар ўртасидаги курашнинг кескинлашганлиги сабабли кўрилган фавқулодда чора фойдали бўлиши мумкин. Бошқа томондан эса бундай ҳолат Президентни собиқ партияси томонидан шак-шубҳасиз қўллаб-қувватланишидан маҳрум қилиб, унинг обрў-эътиборига жиддий зарба беради. Расмий равишда ёки номигагина партиядан ташқари турувчи Президент партиялар ўртасида шаклланган ҳамжиҳатликка ёки сайловчиларнинг президентлик блокига таяниши лозим. Бунга Л. М. Кравчук яққол мисолдир. Шу билан бирга Президентни сайловлар чоғида қўллаб-қувватлаган омманинг сиёсий жиҳатдан уюшқоқсизлиги ҳам қонуний йўл билан сайланган Президентни вазиятга таъсир кўрсатмайдиган аҳволни бошқара олмайдиган ҳолатга олиб келиши мумкин. Боз устига агар Президент мамлакатдаги партиявий ва партиясиз сиёсий намояндалар билан можорога киришадиган бўлса, шундай вазият вужудга келиши турган гап. Мана шундай сиёсий «ўйин» Грузия республикасида бўлиб ўтди.

Ўзаро муносабатларнинг характери, бошқача айтганда Президент ва унинг партияси ўтказаётган сиёсатни жамоатчилик кўриб туради ва бу сиёсат давлатдаги вазиятга қараб ўзгариб туради. Ўзаро ҳамжиҳатликнинг шунчаки кўринишини эмас, балки моҳият эътибори билан керакли шаклларини амалга ошириш сиёсий донолиқдан иборатдир. Бунда Президент ўз партиясининг дастурий йўл-йўриқларини қатъият билан амалга ошириб боради.

Президент партиясининг аҳволи кўп жиҳатдан муайян бир мамлакат тепасида турган президентнинг давлат-ҳуқуқий аҳволига боғлиқдир. Президент республикасида бундай ўзаро ҳамжиҳатлик принципиал аҳамиятга эга. Мухолиф партиялар, партиясиз амалдорлар ва тўралар бу ҳокимиятни заифлаштиришга уринадилар. Парламент республикасида эса одатда бундай масала ўткир бўлиб турмайди.

Муаммони умумлаштириб шуни айтишимиз мумкинки, Президентнинг давлатдаги реал обрў-эътибори ва у аъзо бўлган партиянинг оммага кўрсатадиган реал таъсири, унинг ақлий-сиёсий имкониятларини белгиловчи кўрсаткичлар борки, мана шу кўрсаткичлар орқали уларнинг бир-бирларига қиладиган таъсири нисбатларини аниқлаш мумкин.

Шундай ҳам бўлиши мумкинки, Президент партияси парламентда ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида кўп ўринни эгалламаслиги мумкин. Бундай вазиятларда демократия шаклланиб бораётган ва иқтисодиёт тангликка кириб қолган жамиятда тўғридан тўғри Президент бошқарувини жорий этишга интилиш кучаяди. Маълумки, Президент бошқаруви шароитида «ўз» партиясининг ҳам, қолган бошқа барча партияларнинг ҳам хаттиҳаракатлари ниҳоятда чекланади ёки тўхтатилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига келсак, у ўз Раисини халқ томонидан республика Президенти қилиб сайланган И. А. Каримовни тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. Президентнинг қасамёд қилиш чоғида айтган дастурий нутқи Халқ демократик партиясининг дастурий йўл-йўриқларига тўла мос тушади. Фуқаролик масаласида, миллий ва миллатлараро тотувликка эришиш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва бошқа асосий масалалар шулардан иборатдир.

Президент партияси бўлиш Халқ демократик партиясига аҳолининг кам таъминланган қатламларини давлат томонидан, турли ижтимоий гуруҳларни ўзларининг Кенгашдаги депутатлар орқали қўллаб-қувватлашларини кучайтиришдан иборат масъулият юклайди. Сиёсатнинг аниқ-равшан масалаларини, қонунлар ишлаб чиқиш борасида таклифларни киритиш юзасидан партия ташкилотлари ва кенгашлари олдида турган вазифаларга нисбатан талаблар кучайди. Ҳа, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фақат ақлий, интеллектуал йўл билан (илгарилари собиқ Компартия фаолиятида бўлганидек, тўғридан-тўғри буйруқ бериш орқали эмас) давлат арбоблари бўлган ўз аъзоларига, партиясиз раҳбарларга таъсир ўтказиши мумкин.

Бу ўринда шунингдек, партия сардорлари, фаоллари, партия аъзоларининг халқ оммаси муаммоларини, талаб-эҳтиёжларини тушуниш ва уларни давлат ва сиёсат даражасида ифода этиш маҳорати катта аҳамиятга эга. Партия унун самимият деган ноодатий тушунча кундалик олиб бориладиган ишларда асосий усул ва восита бўлиши лозим. Ана ўшанда халқ онгида ва фикр-ўйида Президент партияси сиймоси мустақил, инсонийлаштирилган партия шаклини олади.

Ўзбекистонда Президент партияси учун яна бир мураккаб нарса шуки, халқ оммаси, раҳбарлар маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги партия типига ўрганиб қолганлар. Кўпгина одамлар ҳалигача партиядан ҳаётнинг барча соҳаларида дарров рўй берадиган натижаларни кутишмоқда. Бу партия билан бошқарув органларидаги ҳар қандай нуқсонларни боғламоқдалар. Халқ демократик партияси ўзининг дастурини, сиёсий мақсадларини кундалик тушунтириш ишлари билан, ўз ваколати доирасида олиб борадиган амалий ишлари билан ана шу қолипни бузиб ташлаши даркор.

Ш. ШОИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши парламент ишлари ва партиялараро алоқалар бўлимининг мудири.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

БОЛАЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Китоб район кенгаши ижроия бюроси шу йил январь ойидаги йиғилишида район партия кенгаши мол-мулкининг бир қисмини шу ердаги 7-болалар уйига ҳадя этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Яқинда район кенгаши ана шу совғаларни болалар уйига топширди. Энди «Украина» киноаппарати, магнитафон, диктафон, фильмаскоп ва диапроектор каби анжомлар болалар хизматида бўлади.

Болалар уйи директори Марҳабо Хўжаева ушбу совғаларни қабул қилиб оларкан кўрсатилган ғамхўрлик учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Китоб район кенгашига миннатдорчилик билдирди.

ФАХРИИЛАРГА СОВҒА

Китоб район партия кенгаши ижроия бюроси Наврўз миллий халқ байрами муносабати билан ёлғиз, ночор ва ёрдамга муҳтож уруш ва меҳнат фахрийларидан бир гуруҳига партия маблағи ҳисобидан ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Ана шундай 31 нафар кишига меҳр-мурувват кўрсатиш мақсадида 3100 сўм миқдорида пул ажратилди. Китоб район партия кенгашининг моддий кўмагидан баҳраманд бўладиганлар орасида Раҳмон Аҳмедов, Альфия Муродова, Бахтиёр Марқаев, Зубайда Яҳёева, Сами Шарипов сингари партия, уруш ва меҳнат фахрийлари бор.

С. МАМАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Китоб район кенгаши йўриқчи-ташвиқотчиси, журналист.

• Муштарийлар мулоҳазаси

АМАЛИЙ ЁРДАМ БЎЛСА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИ МУНТАЗАМ ЎҚИШГА МУВАФФАҚ БЎЛАРДИК, ДЕЙИШМОҚДА ОДАМЛАР

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка юз тутиши улар ўртасида йиллар мобайнида таркиб топган алоқаларга ҳам таъсир этди. Ҳамма жойда иқтисодий қийинчиликлар юзага келди. Бу қийинчиликларни агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, тез орада бартараф этишимиз мумкин.

Лекин халқимиз маънавий қашшоқликка дучор бўлса, уни енгиш осон кечмайди. Бунга йўл қўймасликда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир. Афсуски, иқтисодиётда танглик юз берган ҳозирги пайтда республикамиздаги рўзнома ва ойномаларнинг аҳволи ҳам ночорликка юз тутди. Қоғоз ва босмахона, уни аҳолига етказиш хизматлари ҳаражатлари бир неча баробар ошиб кетди.

Бугунги кунда биз меҳнат ва Улуғ Ватан уруши фахрийларини, умуман барча муштарийларни республикамизнинг бош рўзномаси «Ўзбекистон овози»нинг тақдири ташвишга солмоқда. Маълумки, бу рўзнома бой тарихга, ўзига хос анъанага эга. Унга Акмал Икромов, Шараф Рашидов, Ҳожиакбар Ғуломов каби алломалар муҳаррирлик қилишган.

Рўзнома оғир кунларда халқимизга маънавий мадаткор бўлган. Даставвалига «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон» ва «Совет Ўзбекистони» номлари билан чоп этилиб, республика Олий Кенгаши, ҳукумати ва партия ташкилотининг етакчи рўзномаси сифатида илғор ғояларни қўллаб-қувватлаган ва омма орасида илгари суриб келган. Энг муҳими бу Ўрта Осиё, асосан ўзбек халқининг бой анъаналари, тарихий меросини шу кунгача ардоқлаб халққа туҳфа этяпти.

Ўтган йилги сайлов жараёнида ва янги Халқ демократик партиясининг оғир кунларига яраган ҳам ана шу рўзномадир. Ҳозирги пайтда қоғоз етишмаслиги важидан «Ўзбекистон овози» чакана саводга жуда кам чиқариляпти. Уни зарур бўлганда киоскаларда топа олмаяпмиз. Шунинг учун биз Президентимиздан «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририятига амалий ёрдам кўрсатишни, унинг нормал чоп этилиши учун давлат ҳисобидан маблағ билан таъминлашни ўтиниб сўраймиз. Бу билан юз мингдаб, миллионлаб муштарийларга катта ғамхўрлик кўрсатилган бўларди.

Ҳурмат ва эҳтиром билан: Соиб УСМОНОВ, **Қашқадарё вилоятининг урушда ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, Халқ демократик партияси республика Кенгаши аъзоси, Ислом ЖАЛИЛОВ, Файзи Раҳмонов, Абдулла ПОТТАЕВ, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши фахрийлари.**

* * *

Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш идорасига қарашли 255-дўкон сотувчиси **Комилжон ТУЙЧИБОЕВ:**

— Ўтган йили кунига бу рўзномадан 40—50 нусҳаси келар ва бир соатга қолмай сотилиб кетарди. Бу йил эса «Ўзбекистон овози» атиги 3—5 нусҳа келтириляпти. Икки минутга бормай сотилиб тугамоқда. Одамлар арзини тармоқ раҳбарларимизга етказсак ҳам, ўзгариш бўлмаяпти. Баъзи кунлари менинг дўконимга бу рўзнома етмай ҳам қолади. Аксинча, баъзи фисқ-фасоддан бўлак нарсани босмаётган газеталарни керагидан ортиқча олиб келишади. Ҳафталаб, ойлаб сотилмай жойни эгаллайди, холос...

ТАҲРИРИЯТДАН: «Ўзбекистон овози» рўзномасининг чакана савдога жуда кам чиқаётгани сабабли уни мунтазам ўқиб боришга қийналиаётгани ҳақида самарқандлик А. Собиров, андижонлик С. Мамадисаев, К. Аҳмаджонов, фарғоналик А. Фозилов, сирдарёлик Ф. Кенжаев, тошкентлик Д. Олимова, С. Қодиров, А. Юсупов ва бошқа кўплаб муштарийлар муҳарририятга ёзиб юборишган.

Республикамиз бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликлар бартараф этилиб, халқимизнинг маънавиятга, жумладан даврий нашрга бўлган эҳтиёжи ҳам қаноатлантирилишига умид қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ ТАРҚАТИШ МАРКАЗИ:

Маълум қиламизки, «Ўзбекистон овози» рўзномаси обуна умумий миқдорининг беш фоизи ҳажмида чакана сотувга чиқарилади. 1992 йилнинг январь ойида биз буюртма берган 28547 ўрнига 17750 нусха олдик. Февралда эса ўшанча буюртмадан 18016 нусха чакана сотувга чиқарилди.

Вилоятларнинг буюртмалари ва уларнинг амалда бажарилиши тўғрисидаги маълумотни илова қиламиз.

Марказ бошлиғи
С. С. АКБАРОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» рўзномасининг 1992 йил январь — февраль ойларида чакана савдода тарқатилиши ҳақида

МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	ЯНВАРЬ		ФЕВРАЛЬ	
	буюртма (нусха)	Етказилди (нусха)	Буюртма (нусха)	Етказилди (нусха)
Андижон	3340	2300	3340	1870
Бухоро	1020	800	1020	725
Жиззах	1260	800	1260	1210
Қашқадарё	2825	1730	2825	1735
Наманган	1720	1270	1720	870
Самарқанд	1866	1600	1866	1540
Сирдарё	875	715	875	875
Сурхондарё	1386	950	1386	940
Тошкент вилояти	9070	1800	3070	2266
Фарғона	3450	2685	3450	2685
Хоразм	900	800	900	800
Қорақалпоғистон	835	500	835	500
Тошкент шаҳри	6000	1800	6000	2000
Жумҳурият бўйича:	28547	17750	28547	18016

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Советобод шаҳар чарм-ятторлик буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг самарали меҳнати туфайли ҳар йили 32,8 миллион сўмлик сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Суратда: корхона ятторлик цехи ишчиси П. Оқболаева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ДЕПУТАТЛАР ҲАЛ ҚИЛИШАДИ

Қорақалпоғистон Олий Кенгашида бўлиб ўтган мажлисда Қорақалпоғистон Республикасида Президентликни жорий этишнинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисда республика фаолларининг вакиллари, маҳаллий кенгашлар район ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари қатнашдилар.

Президент лавозимини таъсис этиш масаласи Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг ўтган сессияси муҳокамасига қўйилган эди. Депутатлар яқин вақт ичида мазкур масалани ҳар томонлама ўрганиб, тегишли моддий базани тайёрлашни топширган эдилар. Навбатдаги сессияда шу масалани муҳокама қилишга қайтиш белгиланган, узил-кесил қарорни депутатлар қабул қилишлари лозим бўлади.

(ЎзА).

ТИЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АМАЛДА

ЖОЙ НОМЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкентда жой номларининг илмий ва амалий муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди. Уни Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш республика комиссияси таркибидаги топономия комиссиясининг раиси Н. А. Муҳиддинов очди.

Комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти директорининг ўринбосари, филология фанлари доктори Э. Бегматов «Жой номлари — тарихий-маданий ёдгорлигимиз» мавзуида маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар жой номларининг ижодкори халқ эканлигини таъкидлаб ўтишди. Бу номлар ўзбек тилининг турли тарихий даврлардаги ривожи маҳсули. Шунинг учун ҳам уларда халқнинг қадимий ўтмиши, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, хўжалиги ва турмушининг турли қирралари, кишиларнинг узоқ ўтмишидан то шу бугунгача бўлган маданий-маънавий, диний-фалсафий, ахлоқий қарашлари акс этган. Улар ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи, маданияти, урф-одатлари, расм-русумлари, ўзига хос ўлмас анъаналари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Республикамиздаги кўпгина географик жойлар ота-боболаримиз, тарихий шахслар номига қўйилган эди. Кейинчалик улар билар-билмас ўзгартирилиб, натижада айрим жойлар Ўзбекистон тарихига умуман дахли бўлмаган кишиларнинг номлари билан аталди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жойларни ва бошқа жуғрофий объектларни номлаш қоидалари белгилаб олинди. Қабул қилинган қарорда жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча тарихий номлар маданият ёдгорлиги деб ҳисобланиши кераклиги ва уларнинг дахлсизлигини муҳофаза қилиш умумдавлат аҳамиятига эга эканлиги эътироф этилди. (ЎзА).

ҚАЙСИ БИРИ МАЪҚУЛ?

Матбуот ва оммавий ахборотда атамаларни қўллаш борасида йўл қўйилаётган ҳар хилликлар муносабати билан аҳолидан кўплаб хатлар келмоқда. Бу хатларда ҳар хилликларга барҳам бериш лозимлиги талаб қилинмоқда. Шуларни ҳисобга олиб қўмитамиз тавсия этаётган қуйидаги атамаларга ҳурматли газетхонлардан муносабат билдиришларини илтимос қиламиз:

республика	республика
область	вилоят
район	туман
адрес	манзил
аэропорт	аэропорт
газета	рўзнома
гражданин	фуқаро
депутат	депутат
журнал	журнал
институт	институт
комитет	қўмита
мэрия	ҳокимлик
мэр	ҳоким
совет	кенгаш
университет	университет
факультет	факультет
фамилия	фамилия

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси

МАНЗИЛИМИЗ: И. Мўминов кўчаси, 9-уй, телефон: 62-05-65.

Эшитмадим деманглар

ВАЗИР ТАШРИФИ

• Анқарадан олинган хабарларга кўра Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига ташриф билан жўнаб кетди.

Вазир ташриф давомида Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Украинада бўлади. Янги мустақил давлатлардаги аҳвол тўғрисида энг ишончли маълумотларни олиш вазир ташрифининг асосий мақсадидир.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

• Бангладеш давлат вазири Абдул Маннон бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Тожикистонда бўлди.

Душанбега қилинган ташриф мобайнида Тожикистон ва Бангладеш ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатишга келишиб олинди. Шунингдек, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорликнинг турли жабҳаларидаги масалалар бўйича суҳбатлар ҳам ўтказилди.

КРАВЧУК АҚШГА БОРАДИ

• Украина Президенти Л. Кравчук телефон орқали АҚШ Президенти Ж. Буш билан гаплашди.

АҚШ Президенти Л. Кравчукни расмий ишчи ташрифи билан Вашингтонга келишга таклиф этди. Таклиф қабул этилди. Сафар 6 майда бошланади.

ШВЕЦИЯ МАДАДИ

• Швеция ҳукумати Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига (МДҲ) инсонийлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди.

Инсонийлик ёрдами учун 46 миллион крон миқдорида маблағ ажратилади. МДҲга тиббий дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини жўнатиш режалаштирилди.

ТУРКМАНИСТОН АРИЗАСИ

• Халқаро валюта жамғармаси матбуот бўлими Вашингтонда хабар тарқатди: Туркманистон ҳукумати шу молиявий ташкилотга кириш ҳақида расмий ариза берган.

Халқаро валюта жамғармасининг ўз қоидалари бор: унга мувофиқ Туркманистоннинг аризаси фонднинг Ижроия маъмурияти томонидан кўриб чиқилади. Сўнгра шу маъмурият ўз тавсияларини узил-кесил қарор қабул қилиш учун Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчилари кенгашига тақдим этади.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛИДА

• Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири А. Козиревнинг Миср Араб республикасига ташрифи якунланди.

Ташриф давомида Яқин Шарқ можаросини тинч бартараф этиш йўллари атрофлича муҳокама қилинган.

Миср президенти Ҳусни Муборак Россия ташқи ишлар вазирини қабул қилди.

• МАРАДОНА ЯНГИ КАСБДА

• Жаҳоннинг машҳур футболчиси Диего Марадона теварагидаги гап-сўзлар ишқибозларга яхши маълум. У наркотик моддалар туфайли чиққан можародан сўнг чарим-тўп ўйинларидан четлаштирилган эди.

Марадона ғалати шартнома тузди. У шу йилнинг 1 мартидан бошлаб Аргентина зангори экрани орқали футбол ўйинларини шарҳлайди. Айни чоғда Марадона ўз мақсадидан ҳам кечганича йўқ. У яна Аргентина терма командасига қайтиб, жаҳон биринчилигининг саралаш ўйинларида қатнашмоқчи эканлигини билдирди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва кундалик рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ...

Тазйиқ остида эзилиб кетмаган инсон иродаси ҳақида

Кейинги икки-уч йил ичида Эргашали ака бошидаги қиров қўнган толалар тобора кўпайди. Оқшомдан бошланган Наврўз айёми чоғида ҳам шодуҳуррам тилаклар орасида юрагининг бир жойи жиз этди... Атрофидагилар буни сезишмади, деб ўйлади. Йўқ, даврадагилар ҳаммаси буни сезишган, юрак-юракдан ҳис этишган, лекин хонадон соҳибининг тирналаётган қалбини янада эзмаслик учун ўзларини билмасликка олишган. Айниқса ёши саксонни қоралаган, ҳамиша кишилардаги ҳалоллигу эзгуликка таянган, ўз саховатини бировдан аямайдиган онаизор жигаргўшасининг кўзларига зимдан термулади. Иложини қилса-ю, боласининг дардини бутунлай ўзига олса. Бу катта хонадонда уч-тўрт йилдирки Янги йил, Наврўз, Ҳайит байрамларида аҳвол шу. Чунки худди мана шундай қутлуғ сана — Янги йил тантанаси туфайли ҳам райкомнинг собиқ саркотиби бошига анчагина ғавғолар тушган эди.

Эргашали асли шу ернинг фарзанди. Унинг ёшлиги қишлоқ ўртасидан тўлиб-тошиб оқадиган Хотинариқ соҳилларида кечди.

Қишлоқ боласи мактабни битиргач, одатда қишлоқ хўжалиги институтига йўл олади. Оддий кетмончининг ўғли Эргашалининг тақдири ғўзапоя босилган томлар остида ўсиб-улғайган юзлаб, минглаб қишлоқ қадрдонларникн каби кечди. 60-йилларга қадар ҳам ўзбек қишлоқларида олий маълумотли агрономлар кам бўларди. Тизза бўйи тупроқли кўчаларда ҳамон от-аравалар одамларни далага таширди. Ҳали пахта териш машинасини пайкалга яқинлаштиришни истамайдиган раислар кўп бўларди ўшанда. 70-йилларда қишлоқ хўжалигига ёш, билимдон, қадамидан ўт чақнайдиган мутахассислар келиб қўшилди. Уларнинг бири бўлган Эргашали ҳам пайкалларда чиниқди, бой тажриба орттирди.

— У уч йил хўжалигимизда агроном бўлиб ишлади. Агар ўша йилларнинг ҳисоблари олинадиган бўлса, хўжалик деҳқончилигида катта ижобий ўзгаришлар бўлганлигини сезасиз, — дейди Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Эргашали Мадумаров.

Ҳа, суяги пахта далаларида қотган бола оддий деҳқон қалбига йўл топа олди. Кўп ўтмай ёш, ишчан йигит партия ташкилоти котиблигига сайланди. Яширишнинг ҳожати йўқ, колхоз раисининг обрўси баланд хўжаликларда кўпинча партком котибининг ўрни билинмайди. У ҳатто учинчи-тўртинчи даражали шахсга айланиб қолади. Кимсан, жумҳурият биринчи оқсоқолининг фарзанди, жумҳурият Олий Кенгаши аъзоси раис бўлган хўжаликда эса партком котибига қанчалик оғир бўлишини тасаввур қиларинг. Партия йиғилишларининг бирида раиснинг ҳисоботи тингланди. Унинг иш фаолияти хусусида қарор қабул қилинди. Одамлар биринчи марта партия ташкилотининг қандай куч эканлигини дилдан ҳис қилдилар. Партком котиби раиснинг сояси эмаслигига узил-кесил ишонилди. Раис дам олишга кетган пайтлари партком бошчилигида чорвачиликдаги прогрессив технология — «Тандем» қурилмасини фермага ўрнатиш бошлаб юборилди. Кейинчалик Каримберди ака Охунбобоев бу тадбирни ўз вақтида қилинганига тан берди, албатта. Шогирдининг ташаббускорлигидан хурсанд ҳам бўлди.

Партиявий ишларда жиддий тажриба тўплаган Эргашали Холматов Охунбобоев район партия қўмитасининг иккинчи котиби этиб сайланди. Сўнгра район Совети ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлади.

Кунлардан бир куни эса дабдурустдан обкомга чақириб қолишди:

— Сизни ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиблигига тавсия этяпмиз, ҳужжатларингиз тайёр. Эртага эрталаб соат 9 да Марказқўмда бўлинг.

Эргашали обком биносидан чиқди-ю, ўйланиб қолди. Одат бўйича обкомнинг бошқа котиблари суҳбатидан ҳам ўтиши керак эди-ку. Лекин бу ҳақда ҳеч ким, ҳеч нарса демади. Бунинг устига янги иккинчи котиб Москвадан, Марказқўм аппаратидан келган. Нафсонияти ўта «нозик» одам-а...

Бироқ Тошкент сафарига отланиши керак эди. Эргашали иккинчи котиб А. Барулин ҳузурига кирмай жўнаб кетди. Орадаги ихтилоф уруғи балки ўша куни ташланганмиди...

Охунбобоев райони ерлари Марғилон шаҳри атрофида жойлашган. Аҳолининг кўпчилиги шаҳар саноат корхоналарига қатнаб ишлайди. Ерларнинг катта қисми Марказий Фарғона чўлларининг бағридан юлиб олинган шўрхок, захкаш. Ҳатто район маркази ҳам таг-тугли эмас. Район раҳбар идораларининг қароргоҳлари ҳам турли қишлоқларда. Саноат корхоналари, айниқса, маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари кам. Умуман Охунбобоев вилоятдаги ҳар жиҳатдан қолоқ районлардан бири ҳисобланарди.

Албатта бундай оғир шароитда иш бошлаган ёш раҳбар кадр ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ғамхўрликка муҳтож бўлади. Зеро, раҳбар сеҳргар эмас, қўлидаги таёқчасини бир айлантириш билан йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар бирданига ҳал бўлса.

Аввало йиллар давомида шаклланиб қолган маъмурий-буйруқбозлик системаси илдизига болта уриш зарур эди. Жамоа ташкилотлари партия, комсомол қўмиталари фаолиятини активлаштириш, партия ҳаётини демократиялаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилди. Э. Холматов райком котиби бўлган дастлабки кунларданоқ қайси хўжаликка бормасин раис ёки директор билан гаплашиб кетавермай, партия, комсомол комитетлари котиблари фикрларини билишга одатланди, ветеранлар, оқсоқоллларнинг панд-насиҳатларига қулоқ тутди. Айрим босар-тусарини билмай қолган хўжалик раҳбарлари билан қатъий, кескин суҳбатлашишга тўғри келди.

Аҳоли турмуш тарзининг ночорлигини ҳисобга олиб, кўмир ҳам етишмай тезак тутатиладиган хонадонларга табиий газ келтиришни, пайнов сувини ичавериб ошқозон-ичак ва бошқа касалликлар маконига айланиб қолган қишлоқларга артезиан суви келтириш, маданий-маиший объектлар қурилишини кучайтириш энг зарур эди. Шунинг учун ўша йилнинг ўзида 270 минг сўмлик газлаштириш ишлари ҳашар йўли билан бажарилди. Бошқа соҳаларда ҳам ишлар бироз юришгандай бўлди.

Бенуқсон парвардигор. Эргашали ҳам хом сут эмган банда, ишда камчиликларга йўл қўйган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ахир иш бор жойда хато бўлади. У ишларди. Ишлаганда ҳам астойдил, тункун демай, иссиқ-совуқ демай, тиним билмасди. Унга райондаги халқ хўжалигининг барча тармоқлари аҳволи беш қўлдай равшан эди. Режалар тузди. Аҳволни тубдан яхшилаш хусусида даҳлдор юқори ташкилотларга тинчлик бермай қўйди.

— Эргашали ушлаганини қўймайдиган, бошлаган ишини ниҳоясига етказиш учун қаттиқ курашадиган бир сўзли раҳбар эди, — дейди ўша пайтда ва ҳозирда Охунбобоев район партия қўмитасининг бюро аъзоси Мамасоли Содиқов. —Йиғилишлар ҳам жиддий ва талабчанлик руҳида ўтарди. Муҳими, Эргашали Холматов интизомни мустаҳкамлаш, партия сохта, ясама эмас, ҳақиқий обрўга эга бўлишига тарафдор асл кадр.

Баъзан уни партия сиёсатини ўтказишда қатъийлик кўрсатмаяпти, бўш, дея айблашга уринишди. Киров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раисини сайлаш воқеаси бунга характерли мисол бўла олади. Раис анча йиллардан бери ишлаган, лекин сўнгги пайтларда саломатлиги бирмунча ёмонлашган эди. Унинг аризаси райкомда кўрилиб, илтимосини қондиришга қарор қилинди. Янги номзод ҳам топилди. Аммо умумий йиғилиш пайтида ишкал чиқди. Халқ эски раисни бўшатмаймиз, деб туриб олди. Йиғилишда қатнашаётган саркотиб сўз олганда кўпчилик энди у янги раис сайлаймиз, деб туриб олади, деб ўйлашганди.

— Ўртоқлар, — деди у. — Мен жуда ҳурсандман. Мамлакатда рўй бераётган ошкоралик бизда ҳам илк меваларини беряпти. Эндиликда кадрларни юқоридан юбориш практикасига мутлақо барҳам берамиз. Халқнинг хоҳиш-иродаси энди ҳал қилувчи омил бўлади.

Эски раис жойида қолди. Обкомга Охунбобоев район партия қўмитасининг саркотиби раҳбар сайлаш масаласида партия йўлини ўтказа олмагани ҳақида «сигнал» келди. Тўрачилик гарчи таги қимирлаб қолган бўлсада, ўз мавқеини қўлдан беришни истамас эди.

Район партия қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири вазифаси бўшаб қолди. Мудирликка жамиятдаги рўй бераётган ўзгаришларни илғаб олиб, ошкоралик ва демократия учун жонбозлик кўрсата оладиган киши зарур. Э. Холматовнинг фикрича бундай одам райком аппаратида ишлар эди. У кенг мушоҳадали партия ходими, қалами ўткир журналист М. Каримовни шу лавозимга тавсия этди. Афсуски, обком аппаратидаги ўртоқларга бу номзод ёқмади. М. Каримов бетгачопар, катталарни ҳурмат қилмайди, деган фикр обкомнинг иккинчи котиби А. Барулинга ҳам етказилди шекилли Холматовни чақирди:

— Нега Каримовни тавсия қиласан? Топган кадринг шу бўлдими? Сен кадрлар танлашда калтабинлик қилясан, — деб қаттиқ койиди.

Шундан кейин А. Барулин Э. Холматовни тез-тез «туртиб» туришга одатланди.

Дарҳақиқат, 80-йилларнинг иккинчи ярмида рўй берган катта ноҳақликлар, кадр қийратишлар, одамларнинг норозилигига сабаб бўлган кўпгина нохушликлар Барулин номи билан боғлиқ. Марказдан ўзига хос миссия билан келган бу одам нечун шундай йўл тутди?

1985 йили Ўзбекистонда ғалати камёблик—тўқиб чиқарилган кадрлар танқислиги масаласи кўтарилгани эсингизда бўлса керак. Ўшанда жумҳурият раҳбари нақ бўлмаса кўзда ёш билан юксак минбарлардан туриб кадр сўради. У ёқда ҳам бошини қаёққа уришни билмай юрган кадрлар уруғидан сероб экан. Бир пайтлар Тошкент — нон шаҳри, дея шу томонга интилишганидек, Ўзбекистон бўш амаллар юрти, деган фикр билан бўлса керак, турли-туман «кадр»лар галаси юртимизга ёпирилиб кела бошлади.

Фалон ердан фалончи кадр келиб меҳмонхонада ётибди экан, уларга жой бўшатиш керак, деган гаплар ҳеч кимга ғайритабиий туюлмас эди. Ҳолбуки, Ўрта Осиё шароитини бу ердаги халқлар тарихини, маданиятини мутлақо билмайдиган, тилига ўрганмаган ва ўрганишни истамайдиган, ўлка халқ хўжалигининг, хусусан қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан мутлақо бехабар шахслар районлар, шаҳарлар, вилоят ва ҳатто, жумҳуриятни бошқариш учун келаётган эди.

Ўша кунлари Расул Ҳамзатов жуда ажойиб гап қилганди: «Ўмр бўйи Рязанда ўсиб улғайган кадрлар Ўзбекистонга пахта ўстиришни ўргатгани кетишяпти. Ажабо, рязанликлар тажрибасини ўзлаштирган пахта далаларидан қанақа ҳосил чиқаркин». Аммо московлик публицист Ю. Черниченко эса ўша кунлари Россия Ўзбекистонга нафақат қобилиятли, ақлли, ишбилармон кишиларни, балки ҳалолликни экспорт қилмоқда, деб жар солди. Кўп ўтмай «Дружба народов» журнали худди ана шу экспорт ҳақида гапириб «Агар Россия Ўзбекистонга ҳалолликни экспорт қилган бўлса, Шчелоков, Чурбанов, Медунов ва ҳоказалар порахўрлик, ифлослик, ўғирлик ботқоғига ботирган Россияга ҳалолликни биз қаердан «импорт» қилсак экан?», деб ёзди.

«Жазо отряди» қамчисидан қон томиб турган ана шундай дамларда Э. Холматовнинг барча ишларидан норози бўлган шахслар ёзган аризалар, бўҳтонлар А. Барулинга жуда қўл келди. Э. Холматов ҳали ишга ўтганига ярим йил тўлмай аризалар устидан текшириш, унинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва тегишли хулоса чиқариш, кетма-кет комиссиялар юбориш авж олди. Бу ишларнинг бошида Холматовнинг айтишича, Барулиннинг ўзи турарди.

Аммо Барулиннинг атрофида турган, унинг майл-хоҳишини ҳам қойиллатиб бажаришга тиришаётган ходимлар фарғоналик эдиларку. Улар фарғоналик ҳар бир кадрни ипидан-игнасигача билардилар. Шу жумладан сайланганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаган райком раҳбарини ҳимоя қилиш учун етарли далил-исботларга эга эдилар-ку. Ёки улар ўз раҳбарларининг оғзидан чиққан ҳар бир гапни сўзсиз ижро этиш учун қабул қилишга ўрганган, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган роботлар, манқуртлармиди? Балки бу гап айримларга қаттиқ тегар. Лекин таассуфки, ўша йиллари кадрлар қирғинбаротида фаол қатнашган, Барулиннинг отган ўқлари бўлган шахслар ҳозир ҳам раҳбарликнинг юмшоқ ўриндиқларида ҳеч уялмай ўтиришибди.

Э. Холматовни таъқиб қилиш компанияси сўнгида содир бўлган бир воқеа тарози палласини босиб кетган оғир тош бўлди.

1986 йилнинг 30 декабрида район партия қўмитасининг аппарати янги йилни нишонламоқчи бўлди. Бу албатта ҳар бир жамоанинг ўз иши. Жамоа райком ходими М. Ғаффорова уйида йиғиладиган бўлди. Кечки пайт аппарат ходимлари ўз оила аъзолари, фарзандлари билан ана шу хонадонга тўпланишди. Ўтиришда яхши тилаклар, таклифлар айтилди. Байрам кайфияти давом этди. Э. Холматов ҳам, иккинчи котиб К. Қосимов ҳам шу ерга келишди. Озгина суҳбатлашиб, ўртоқларига яхши тилаклар тилагач, улар қайтиб кетишди. Йиғилиш тинчлик, шодуҳуррамлик билан ўтди.

Эртаси эрталаб обком вакили етиб келди. Гўёки кеча тунда райком аппарати ичкиликбозлик билан машғул бўлган ва саркотибнинг ўзи ўтиришга бошчилик қилган. Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси билан яккама якка суҳбат бошланди. Суҳбатлар мазмуни аппарат тадбирида ичкиликбозлик бўлганлигини исботлашга қаратилган эди. Бугунги кунда бу воқеа муҳокамаси ғайри-табиий туюлиши аниқ. Чунки бир меҳнат коллективи Янги йил байрамини ўтказган бўлса, бунинг нимаси ажабланарли? Лекин шунинг учун «тергов» олиб бориш, одамларни ишдан бўшатиш, аппаратни қувғин қилиш соғлом ақлга тўғри келмайди-ку! Бироқ ўшанда 1937 йил эмас, балки қайта қуришнинг авжи Ўзбекистон учун янги қатағон даври — 1987 йилнинг январи эди...

Февраль ойининг охирларида бўлиб ўтган навбатдан ташқари райком пленумида Э. Холматов ишдан озод қилинди. Тўғрироғи, шахсан Барулиннинг иштироки ва тазйиқи остида ўтган шу пленумда қатнашган 63 аъзодан фақат 7—8 кишининг овози билан Холматов ишдан бўшатилди. Эндигина ишга ўрганиб келаётган изланувчан, ташаббускор бир сўзли кадрнинг қаноти қайрилди. Пленумдаги ғайритабиий ишлар хусусида пленум аъзолари О. Дадажонов, М. Содиқов, Т. Мирзаолимов сингари ҳақиқий тарафдорларнинг гапи инобатга ҳам ўтмади.

Ўшандан буён анча сувлар оқиб ўтди. Эргашали ўз ҳалол меҳнати билан халқ қалбидаги ўзига бўлган меҳр-муҳаббатини оширса оширдики, камайтирмади. Ҳалол, қобилиятли раҳбарнинг бошқаларга даъвоси ҳам йўқ. Мутахассислиги бўйича деҳқончилик техникумида дарс берди. Ҳозир вилоят деҳқончилик-саноат қўмитасида ишламоқда. Руҳан тетик.

Яна баҳор келди. Дарахтларнинг шохлари булдуруқ куртаклардан балдоқ таққан. Эргашалининг кичик боғчаси жонланяпти. Ёз бўйи чағур-чуғури тинмайдиган қушлар йўқ. Сайрбоғ қушлар! Улар мева-чевалар ғарқ пишган соя-салқин боғларда учиб қўнишади, сайрашади. Уларнинг сайраши авжига чиққан пайтда бу қушларга хушомад қилиб, севиб-суйиб дон ташлайдиганлар, уларнинг бир шингил сайроғига зор турадиганлар ҳам кўп бўлади. Сайрбоғ қушлар ўзларидан жиндай хотира-ю, тезак қолдиради, учади-кетади. Аммо уларнинг даври келган пайтда сайроғига жўр бўлиб, чапак чалиб турганлар шу ерда қолади. Ана шуларнинг орасида бўлишдан яратганнинг ўзи асрасин...

Эргашали ака тиниқ осмонда ялтираб турган қуёшга қаради. Йўқ, у сайрбоғ қушларнинг хушомадгўйи бўлмади. Чинакам инсоннинг бахти ҳам шунда-да!

Улуғ Наврўз! Сени очиқ юз билан кутиб оладиганлар бахтиёрдир!

Алишер ИБОДИНОВ.

Ўзбекистон жаҳон даврасида

ЭРОН БИЗГА ҚЎЛ УЗАТМОҚДА

Биз уч киши эдик — Ўзбекистон Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳотлар комитетининг раиси Эркин Ҳўжаев, жумҳуриятимизнинг чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти раиси ўринбосари Суръат Мирқосимов ва каминангиз биринчи марта Эрон заминига сафар қилдик. Икки ўртада бевосита қатнов ҳозирча йўлга қўйилмаганлиги туфайли самолётда Москвадан Ўрта Шарқнинг энг йирик маданий ва сиёсий марказларидан бўлмиш машҳур Теҳрон шаҳрига учиб бордик.

Эрон кейинги 75 йил давомида узилиб қолган иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий алоқаларни қайта тиклаш ва ислом динининг асосларини бошқа мамлакатларда мустаҳкамлаш ниятида бўлса керак, бизнинг ҳайъатимизни самимий ва дўстона кутиб олди. Икки ҳафта давомида қаерга бормайлик биз тушган автобусларни полициячиларнинг махсус машиналари бошлаб юрди.

Эроннинг ҳашаматли биноларидан бири бўлган «Лола» меҳмонхонаси икки ҳафта давомида бизнинг қароргоҳимизга айланди. Бу кошонада ер юзининг беш қитъасига мансуб олтмишга яқин мамлакатнинг намояндалари ҳам йиғилишган эди.

Ўн кунга мўлжалланган, Ислом инқилобининг ғалабасига бағишланган байрамнинг биринчи куни бизни Теҳрон яқинидаги Бихшити Заҳро деган жойга олиб боришди. У ерда Эрон Ислом Жумҳуриятининг асосчиси, ўзининг диний ислоҳотлари билан бутун Яқин ва Ўрта Шарқда ном чиқарган имом Хўмейнийнинг мақбараси бор экан. Ҳали қурилиши давом этаётган ва 50 минг киши бемалол намоз ўқиши мумкин бўлган усти ёпиқ бу ҳашаматли бинода байрамнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатнинг давлат ва диний арбоблари ва шунингдек лашкарбошилари йиғилган бу залда байрам маросимини тантанали муҳитда Хўмейнийнинг ўғли Саид Аҳмад жаноблари очди. У ўз нутқида империализмни қоралаб, бутун дунё мусулмонларини бирликка, ҳамкорликка даъват этди ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари сиёсий мустақилликка эришганликлари муносабати билан Эрон ҳукумати номидан қизғин табриклади.

Шу куниёқ пешиндан кейин Эрон Ислом Жумҳуриятининг президенти Ҳошимий Рафсанжоний «Лола» меҳмонхонасининг катта залида байрамга келган ҳамма меҳмонлар шарафига қабул маросими ўтказди. У ўз нутқида жумладан, Ўрта Осиё жумҳуриятларининг тарихи, маданияти, анъаналари Эрон халқиникига жуда яқин ва уларнинг халқлари қондош, қариндош эканликларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов ҳам ўтган йили Эрондан келган икки ҳайъат аъзолари билан учрашиш чоғида икки мамлакат халқлари умумий тарихга эга эканликларини алоҳида эслатиб ўтганди. Шу нуқтаи назардан икки мамлакат раҳбарларининг фикрлари муштаракдир.

Бизда чуқур таассурот қолдирган шаҳарлардан бири Машҳад бўлди. Бобомиз Алишер Навоий яшаб ижод қилган Хуросон вилоятининг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Машҳадда Имом Ризо мақбарасини тавоф қилдик. Ҳарам деб аталувчи бу меъморий комплекс шу даражада гўзал, шу даражада улкан ва шу қадар жозибадор эканки, уни таърифлашга қалам ожизлик қилади. Икки минг—уч минг киши сиғадиган катта хоналарга Эрон гиламлари тўшалган, деворлари, шифтлари жимжимадор ойналар билан қопланган бу нафис бинонинг хотирамда чуқур из қолдирди. Машҳадда Хуросон вилоятининг ҳокими Али Жаннатий жаноблари атайлаб бизнинг ҳайъатимиз шарафига қабул маросими ўтказди. Али Жаннатий айни пайтда «Эрон—Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг асосчиларидан биридир. Самимий, дўстона ўтган бу мажлисда иккала жамиятнинг келажак режалари тўғрисида келишиб олинди ва Машҳад билан Самарқанд биродар шаҳарлар бўлиши ҳақида керакли қарорлар қабул қилинди.

Теҳронга қайтиб келгач, «Эрон — Ўзбекистон!» дўстлик жамиятининг раиси Али Ризо шайх Аттор билан учрашдик. Учрашувда икки жамият ўртасида бўлажак тадбирлар ҳақида келишиб олинди. Жумладан, аввал Эрон маданият ҳафталиги Ўзбекистонда Наврўз байрами кунларида ўтказилиши иш режамизга киритилди.

Бизнинг ҳайъатимиз Эрон давлат арбоблари ва унинг кўпгина тадбиркорлари билан икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлаш борасида ҳам музокаралар олиб борди. Хоҳ давлат арбоблари бўлсин, хоҳ тадбиркорлар бўлсин, ҳаммалари Ўзбекистон билан шу соҳада ҳамкорлик қилишга ва шунингдек, ўз сармояларини жумҳуриятимиз иқтисодиётига сарф этишга тайёр эканликларини баён этдилар. Ҳайъатимиз аъзоси, Ўзбекистон тадбиркорлар ташкилотининг раиси Эркин Ҳўжаев улар билан бевосита алоқа боғлаб, жумҳуриятимизнинг ташқи мамлакатларга сотилиши мумкин бўлган молларини тарғиб қилди. Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти тўғрисида жуда кам маълумотга эга бўлган Эрон корхоналари ва сармоядорларининг жумҳуриятимиз иқтисодиётига қизиқишлари анча ошди ва биз билан иқтисодий алоқаларни кучайтиришга ваъда бердилар.

Эроннинг қайси шаҳрига бормайлик, хоҳ Теҳрон бўлсин, ё Машҳад, ё Қум—ҳамма ерда юзлаб, минглаб магазинлар, дўконлар гоят кўп ва у ерда кўнглингиз истаган молни, озиқ-овқатни кераклигича сотиб олишингиз мумкин. Мен ҳамма жойда завод-фабрикалар, стадионлар, уй-жой бинолари қурилаётганлигинг гувоҳи бўлдим. Менинг назаримда Эрон халқининг турмуш даражаси бизнинг турмуш даражамиздан анча баланд, бунга имоним комил бўлди. Инсон умид билан тирик. Келажакда менинг халқим ҳам Эрон халқи каби бой-бадавлат яшайди, албатта, деган умид билан она-диёримизга қайтдик.

Нодир АЛИМХОНОВ,
форсшунос, Ўзбекистон — Эрон жамияти раисининг ўринбосари.

ТУРКИЯ МАДАДИ

НАВРЎЗ ТУҲФАЛАРИ

● Куни кеча тунда Тошкентга Туркиядан тўртта тайёрада инсонпарварлик ёрдами —140 тонна шакар ва 20 тонна ун келди. Бу дўст мамлакат 100 миллион доллар бе ғараз ёрдамининг бир қисми, холос.

— Туркия давлатининг яқиндагина мустақилликка эришган ва ҳозир вақтинча иқтисодий қийинчиликни бошдан кечираётган республикамизга ёрдами инсонпарварлик рамзи бўлиб, халқимиз бу кўмакни сира унутмайди, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Капитал қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудирининг ўринбосари, Туркиядан келаётган инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилишни ташкил этиш ва тақсимлаш республика комиссияси ҳузурида тузилган Ишчи гуруҳнинг аъзоси А. Азимбеков. — Тайёраларда 5200 тонна озиқ-овқат, болалар кийим-кечаклари, дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар келиши кутилмоқда. Республикамиз аҳолиси буларнинг ҳаммасидан анъанавий Наврўз байрами арафасида баҳраманд бўлади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.



Юкларни тушириб олиш пайти.

(ЎзА олган сурат).

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда Туркия Республикасидан келаётган инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилиб олишни ташкил этиш ва уларни тақсимлаш бўйича республика комиссияси ҳузурида тузилган Ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ишчи гуруҳининг раҳбари Қ. Ж. Ҳаққулов олиб борди.

Мажлисда шу куни Туркиядан самолётда келган ҳайрия ёрдами — озиқ-овқат маҳсулотлари қандай қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама этилди.

Ёрдамни қабул қилиб олиш ва уни машиналарга ортиш вақтида йўл қўйилган камчиликларга мажлисда асосий эътибор қаратилди. Бу борада камчиликларга йўл қўйганликлари учун республиканинг баъзи вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари танқид қилинди. Шу ишга дахлдор бўлган кишиларнинг масъулиятини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко қатнашди.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКМИ ЁКИ ҲУРМАТСИЗЛИК?»

Рўзномамизнинг шу йил 11 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилган эди. Унда хусусан Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ҳамширасининг Х. Собировнинг шикоятига расмиятчилик билан қониқарсиз жавоб йўллаганлиги танқид қилинганди. Яқинда НАМАНГАН ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИдан яна қўшимча жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мақолани атрофлича ўрганиб, шикоятни текшириш ва унинг якунини чиқаришда хатога йўл қўйилганлигини билдиради. Ҳақиқатан ҳам Норин районидаги Карл Маркс номли колхозда истиқомат қилувчи тез тиббий ёрдам ҳамшираси Х. Собировнинг хати кўриб чиқилганлиги ҳақидаги жавоб хати мукаммал ёзилмаган.

Аслида хатда кўрсатилган фактлар вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг молия-режалаштириш ишлари бўйича муовини ва вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси вакили иштирокида Норин район марказий касалхонаси раҳбарлари томонидан ҳар томонлама чуқур текширилган. Текшириш жараёнида шикоятда кўтарилган масалалар ўз тасдиғини топган.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Х. Собировнинг ушбу хати текширилгунга қадар унинг ана шу мазмундаги шикояти ўтган йилнинг ноябрь ойида район марказий касалхонаси маъмурияти томонидан текширилган ва унинг натижаларига мувофиқ буйруқ чиқарилган.

Ушбу буйруққа асосан Х. Собировнинг тақдирига лоқайдлик билан қараганлиги ҳамда ўз хизмат вазифасини совуққонлик билан бажарганлиги учун участка врачи М. Раҳмонованинг маошидан 210 сўм пул ундирилсин, дейилган. Х. Собировнинг қайтадан хат ёзиб рўзнома муҳарририятига мурожаат этишига сабаб — унга ана шу ушлаб қолиниши лозим бўлган маошдан фақат 70 сўмигина берилганлиги бўлган.

Рўзнома муҳарририятидан келган кейинги хатни текшириш жараёнида пулнинг қолган қисми ҳам ундириб берилди. Шунинг билан муаллифнинг аризаси тўла қондирилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими аввалги жавобнинг мукаммал бўлмаганлиги учун муҳарририятдан узр сўрайди.

Наврўзни олам... = Наврўзни қаршилаб...

МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ...

Ўлкамизда қадимий қадриятлар тикланаётир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси азалий байрам — Наврўзни зўр шодиёналар билан нишонлашга қизғин ҳозирланмоқда. Маълумки, баҳор байрами кезларида озодалик ва саломатликка риоя этиш муҳим удумлардан саналади. Шу боис Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти 14—20 март кунлари «Саломатлик ва тозалик ҳафталиги» ўтказиш ташаббуси билан чиқиб, ҳаммани ана шу савобли ишга даъват этади.

Келинглар, айём кунлари шаҳар ва қишлоқларни, ҳовли ва кўчаларни, боғ ва хиёбонларни, ариқ ва зовурларни тозалаб, ободонлаштирайлик. Биз жамият фаолларини, ишчи ва хизматчиларни, ўқувчи ва талабаларни, бир сўз билан айтганда, меҳр-шафқатли кишиларни ана шу тадбирда қатнашишга чақирамиз.

Азиз ҳамюртлар! Ҳафталик мобайнида болалар ва қариялар уйларига борайлик. Ёлғизлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчиларнинг оилаларига ташриф буюриб, уларнинг ҳолларидан хабар олайлик. Вилоят, шаҳар ва район Қизил Ярим ой жамияти қўмиталари қошида буюмлар банкини ташкил қилишда яқиндан ёрдам кўрсатсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади. Уйларда нокерак бўлиб қолган буюмлар бўлиши мумкин. Уларни кўп болали оилаларга, қаровчисиз қарияларга бериш айни савобли ишдир. Борди-ю, мадад қўлларини чўзиб, баҳоли қудрат моддий ёрдам берсангиз, нур устига аъло нур бўлурди. Сизларнинг кўрсатган ёрдамларингиз мурувват, эзгулик ва меҳр-шафқат дарёсига ирмоқ бўлиб қўшилгусидир. Чунки, эзгулик уруғи албатта, ўз самарасини беради. Баҳор ва саховат байрами бўлган Наврўз ана шундай хайрли ишлар билан уйғунлашса яна ҳам мазмундор ва серзавқ бўлади.

Бизнинг тўлиқ ҳисобимиз: Киров район саноат-қурилиш банки, ҳисоб номери — 000700378, код — 172682304.

Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Наврўзни муносиб кутиб олиш учун кўпчилик қатори уюшмамиз меҳнат жамоасида ҳам кенг миқёсда тайёргарлиқ ишлари бошлаб юборилди. Биз энг аввало байрам кунида меҳнаткашларга маиший савдо хизматини юксак савияда ташкил этиш мақсадида бир қатор тадбирларни режалаштирдик. Чунончи дала шийпонларида қўшимча 50 та мавсумий савдо дўконини очиш мўлжалланган. Шунингдек, узоқ чўл минтақаларида меҳнат қилаётган деҳқонларга хизмат кўрсатиш учун учта автодўкон ажратилади.

Баҳор фаслининг биринчи кунида уюшмамизда катта ҳашар ташкил этилади. Шу куни барча савдо ходимлари ўз иш жойларига чиқиб биноларни таъмирлаш, кўчат экиш, ободончилик ишлари билан шуғулланадилар. Дўконлар, ишлаб чиқариш бинолари атрофларига 1500 тун мевали кўчат, 5 минг туп терак кўчати ва яна шунча турли-туман гул кўчатлари экилади.

Матлуботчилар уруш ва меҳнат ногиронлари, фахрийларга, байналмилалчи жангчилар, ногирон болалар, ёлғиз кексаларга хайрия тарқасида 50 минг сўм тарқатишни ҳам режалаштириб қўйдилар.

Мустақил Ўзбекистоннинг энг катта байрамларидан бири — Наврўзни муносиб кутиб олиш борасида иш қизғин кетмоқда.

У. КАРИМОВ,
Қува районидаги матлубот жамиятлари уюшмаси раиси.

МАҲАЛЛАЛАРДА САЙИЛ

Қадимий байрам — Наврўзни Кармана шаҳрида ҳам ўзига хос нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Шаҳарнинг барча маҳаллаларида халқ сайилларини уюштириш кўзда тутилган. Маҳаллараро кўрик танловлар уюштирилади. Ёшлар отахонлар ва онахонлар кўмагида қадимий баҳор байрамини зўр шодиёналик билан нишонлаш ниятида. Байрам кунлари олтита маҳалла қўмитасининг биноси фойдаланишга топширилади. Ўтган йили ҳам бешта маҳалла ана шундай бинога эга бўлган эди. Қизиғи шундаки, баҳор байрами ҳосияти билан халқ хашарга чиқиб, бундай биноларни бунёд этишда савобли ишларга қўл урмоқда.

Р. ҚОДИРОВ.

ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси бир гуруҳ меҳнат ва уруш фахрийлари, йигит-қизлари, Халқ демократик партияси фаолларининг жумҳурият барча фуқароларига Мурожаатидан рухланган Олим Хўжаев номидаги Бухоро маданият билимгоҳи жамоаси ҳаётида ҳам ўзига хос ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу ерда байрамга тайёргарлик кезлари ўқув гуруҳларини «Наврўзнома» шиори остида ташкил этиш ишлари амалга ошириладиган бўлди. Талабалар ўртасида кўкламги айёмнинг тарихи, уни турли вилоятларда ўтказиш хусусиятлари, пишириқ ва неъматлари хусусида суҳбатлар, маърузалар уюштириш кўзда тутилмоқда.

Бундай суҳбатларнинг муаллифлари билимгоҳнинг Ҳ. Нуралиев, Ш. Йўлиев, Г. Қаюмова, Н. Бакирова, И. Азимова, К. Муродова каби тажрибали ўқитувчиларидир. Улар кўп йиллардан бери шаҳар маҳаллалари, меҳнат жамоаларида бўлиб, Наврўз байрами ҳақида қизиқарли ва мароқли суҳбатлар ўтказишмоқда.

Билимгоҳ талабалари ҳам Наврўз ҳақида малака ҳосил этишмоқда. Чунончи, ўқувчилар ўртасида байрамни қизиқарли ўтказиш бўйича сценарийлар танлови эълон қилинган. Энг яхши сценарийлар ёзган талабаларни рағбатлантириш мақсадида учта уч юз сўмлик соврин белгиланган.

Бундан ташқари билимгоҳ ва унинг ётоқхоналарини ҳамда теварак-атрофни тозалаш, кўкламзорлаштириш мақсадида биттадан мевали дарахт кўчатлари ўтказиш тадбирлари белгиланган. Асосий мақсад Наврўз байрамига муносиб тайёргарлик кўриш, миллий қадрият ва анъаналарни тиклаш, инсонийликни улуғлаш билан бўлажак маданият ходимларида ўзига хос уйғунликни вужудга келтиришдан иборат.

Ш. САИДОВ,
Бухоро маданият билимгоҳи директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

ЁШ ИЖРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Ўзбекистон халқ чолғулари ва баян ёш созанда ижрочиларининг 6-жумҳурият танлови бошланди.

Мусиқа санъати ҳаётида муносиб воқеага айланадиган бундай тадбирлар кўп йиллардан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Улар ёш ижодкорларни тарбиялаб, вояга етказишда ўзига хос маҳорат мактабини ўтамоқда.

Танловни ўтказиш қўмитаси бу санъат намойишига ўз вақтида ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрди. 12 мартгача давом этадиган концертларга республикамизнинг кўзга кўринган бир қатор бастакорларининг мусиқа ас ари киритилган. Улар расида И. Хамраевнинг нг, рубоб, най ва оркестр, С. Жалилнинг ғижжак ва оркестр, М. Тожиевнинг қўшнай ва оркестр учун концертлари, бастакорлардан М. Бафоев, Б. Гиенко, Т. Тошматов, Ф. Алимов, Т. Қурбоновларнинг дурдона мусиқий асарлари бор. Буларни намойиш этишда Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат халқ чолғулари оркестри жўр бўлади.

Навбатдаги танловга қирқ беш ёш созанда етиб келди. Танлов ҳайъатига Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, бастакор Сайфи Жалил раҳбарлик қилмоқда.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган мусиқа санъати намойиши тингловчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотиши турган гап. Чунки қадимий диёримизда мусиқа ижрочилик санъатининг шаклланиши ва равнақи Алишер Навоийнинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Ёш созанда ижрочилар ўн кун мобайнида маҳорат бобида бир-бирлари билан беллашадилар, ижодий учрашувлар ўтказадилар, билимларини намойиш қиладилар.

Танловда биринчи маротаба қатнашаётган умидли ёш созандалар ҳам бор. Улар тошкентлик найчи Яйра Давлатова, андижонлик чангчи Дурдона Валиева наманганлик прима рубобчи Назира Турсунова, қорақалпоғистонлик дутор чи Бахтибой Сафарбоев, тожикистонлик ғижжакчи Рустам Сандов, қаршилик қашқар рубобчи Шокир Ҳамроев ва бошқалар бор.

Танлов ғолиблари шартли равишда муносиб мукофотлар билан тақдирланадилар. Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси энг яхши ижрочилик учун махсус соврилар белгилаган. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси эса, ёш ижрочига «Умид» совринини тақдим этади. Консерваториянинг махсус иккита мукофоти ҳам бу анжуманда ўз соҳибини топиши керак.

Шу нарсани айтиб ўтиш лозимки, биринчи даражали диплом билан тақдирланган нишоидор ёш созандалар мусиқий илмгоҳларга танловсиз қабул қилинадилар. Иккинчи ва учинчи даражали диплом соҳиблари эса мутахассислик бўйича имтиҳон топшириш билан кифояланадилар.

А. ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор.

• Саломатлик—туман бойлик



Урганч 1-область шифохонасида Франциядан келтирилган янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бу билан 1-миллиондан ортиқ беморга яқиндан ёрдам кўрсатилди.

Суратда: урология бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди О. Нурмедов ва бўлим бошлиғи О. Мадаминов.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ЕЧАМИЗ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болаларга аталган жамғармаси (ЮНИСЕФ) бир гуруҳ мутахассислари республикамизда бўлди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан республикамизнинг бир қатор вилоятларида, Термиз, Урганч, Мўйноқ, Нукус, Фарғона водийсида бўлдилар. Республикамизнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари билан танишдилар.

Улар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг экология жиҳатидан ноҳуш жойларида бўлиб, болалар ва аёлларга дахлдор муаммолар билан яқиндан танишдилар.

Куни кеча Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида мутахассислар гуруҳи — Жордм Квинс, профессор Линкольн Гел, профессор Жон Роде, доктор Иван Лежнев ва бошқалар Ўрта Осиё минтақаларида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув таъминоти, таълим, ижтимоий ҳимоя муаммолари ҳусусида сўзлаб бердилар ва бу муаммоларни ечиш ҳақидаги мисоллар билан ўртоқлашдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, Қозоғистон соғлиқни сақлаш вазири А. Омонбоев, Қирғизистон соғлиқни сақлаш вазири муовини К. Субанбоев, Тожикистон соғлиқни сақлаш вазири Ж. Иномов, Туркманистон соғлиқни сақлаш вазири А. Отаев, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий-тадқиқот институти директори О. Маҳмудов ва бошқалар оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид муҳим масалаларни биргаликда ечиш хусусида ўртоқлашдилар.

Давра суҳбатида бир неча саволларга жавоблар ҳам берилди.

М. ҚУРБОНОВ

СПОРТ

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

● ЭРОН шаҳарларида ўтказилган спорт фестивалида иштирок этган республикамиз вакиллари муваффақиятли куч синашдилар.

Ўзбекистон республикаси спортчилари Эрон олимпиада қўмитаси таклифига кўра анъанавий мусобақада иштирок этдилар. Машҳад шаҳрида дзюдо кураши бўйича ўтказилган беллашувлар мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Совриндорлик баҳсида чирчиқлик Адҳам Жамолов, Дмитрий Саловьев. Рустам Эргашев, тошкентликлардан Фарҳод Оғаев, Шуҳрат Ғофуров, Армен Богдасаров, Мирзоулуғбек Шомирзаевлар зафар қучишди. Табриз шаҳрида эса баскетболчилар мусобақаси уюштирилди. 7 жамоа мусобақасида Тошкентнинг «Узстроймеханизация» баскетболчилари бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Вакилларимиз финалда Техрон терма жамоасига имкониятни бой бериб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, Шероз шаҳрида ўтказилган каратечилар курашида ҳам полвонларимиз ишончни оқлашга интилдилар.

ВАҚТ КЎРСАТАДИ

● ЎРТА ОСИЁ республикалари футбол федерацияларининг вакиллари МДҲ футбол федерациялари уюшмаси президенти В. Колосков билан учрашдилар.

Учрашувда томонлар минтақалардаги биринчиликдан кейин МДҲ турнирини ўтказиш ҳақида мулоҳаза юритдилар. Ҳозирча 11-21 ноябрь кунлари Тошкент ва Чимкент шаҳарларида ана шундай футбол мусобақасини ўтказишга келишилди. Бу мусобақада Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон футболчилари иштирок этадиган бўлишди. Фақат, Украина бундай баҳсда иштирок этишга розилик билдирмади. Зеро, бундай мусобақа уюштириладиган пайттача Ўзбекистон республикасининг ФИФАга аъзо бўлиши кутилмоқда. Демак, олдинда яна нималар бўлишини вақт кўрсатади.

ХОТИРА СОВРИНИ

● ШУ КУНЛАРДА футбол мавсумига ҳозирлик кўраётган республикамиз жамоалари анъанавий учрашувда иштирок этмоқдалар.

«Пахтакор — 79» хотирасоврини учун ташкил этилган бу йилги мусобақада 23 жамоа қатнашмоқда. Жамоалар уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳда «Пахтакор-1» футболчилари учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, 6 та очко билан олдинда боришмоқда. Тошкентнинг «Трактор» жамоасида бешта очко бор. Олтита очко жамғарган «Чирчиқ» футболчилари иккинчи гуруҳни бошқаришмоқда.

●Самарқанд. Қадимий шаҳарда спортнинг бильярд тури бўйича республика иккинчи чемпионати ўтказилди. Мусобақада Тошкент, Самарқанд шаҳарлари, Қашқадарё ва пойтахт вилоятларининг 24 нафар спортчиси қатнашди.

Суратда: ғолиблик учун кураш.

Суратқаш: Р. ҒОФУРОВ (ЎзА).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҚУРИЛИШ-ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўзбекистон республикасидаги омонатлар бўйича энг қулай шарт-шароитлар ва энг юқори фоизларни таъминлайди.

Талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича — 10 фоиз 1 йилдан 3 йилгача муддат давомида сақланадиган омонатлар бўйича — 15 фоиз.

3 йилдан ортиқ муддат давомида сақланадиган омонатлар бўйича — 18 фоиз.

Бунда Қурилиш-тижорат банки пишиқ-пухталик, тезлик ва юксак хизмат кўрсатиш маданиятини кафолотлайди.

Биз Сизларни дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни соат 8.30 дан 17.00 гача кутамиз.

МАНЗИЛИМИЗ: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 5-қават, метронинг «Пахтакор», «Навоий» бекатларигача; 1, 2, 7, 14, 18, 24-троллейбусларда «Универсам» бекатигача; 4, 20-троллейбусларда «Пахтакор» метро бекатигача борилади.

• СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

СУТ АЙНИМАЙДИ

● ҚАРШИ районидаги сут комбинатида Франциядаги «Актини-Интернационал» фирмасининг ускунаси ўрнатиладиган бўлди.

Ускуна соатига 3600 дона қадоқланган сут ишлаб чиқариш қувватига эга. Қулайлиги шундаки, бундай сут ёзда ҳам айнимайди. Уч кундан уч ойгача мўътадил туриши мумкин.

Ускуна шу йилнинг дастлабки чорагида корхона учун қурилаётган янги бинода ўрнатилади. Яқинда комбинат директори Баҳром Пиримов Францияга бориб, фирма раҳбарлари билан шартномалашди. «Агропромсервиз — 400» йўли билан хориждаги фирмага маблағ ўтказилди. Ускуналарни франциялик мутахассислар монтаж қиладилар. Янги цехнинг фойдаланишга топширилиши корхона қувватини яна бир ҳисса оширади. Комбинат сменада 60 тонна ўрнига 100 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эришади.

ЭҲТИЁЖ ҚОНДИРИЛАДИ

● ҚАШҚАДАРЁ вилоятида сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхона-шохобчалари кенгаймоқда.

Ғузор шаҳрида қуруқ сут тайёрлаш заводи битиш арафасида. Бу ерда бир кеча-кундузда 3 тонна ана шундай сут тайёрланади. Ульянов ва Нишон районларида янги заводлар қурилиши бошлаб юборилди. Шунингдек, Косон сут заводида сут-қаймоқ тайёрлаш ускунаси ўрнатилди. Цех ва корхоналарнинг ишга туширилиши вилоят районларида сутни қайта ишлашни яхшилайди. Энг муҳими аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган талабини қондиради.

НОДИРАБЕГИМ НОМИДА

●ҚАРШИ шаҳар мактаблари 39 тага етди. Уларда 30 мингдан кўпроқ ўқувчи таълим олмоқда.

Яқинда 3-турар-жой микрорайонида 1300 ўринли янги мактаб биноси қурилиб ишга туширилди. Ҳамма қулайликларга эга бўлган икки қаватли бинони Қашқадарё умумқурилиш трестининг 6-механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари қуриб битказишди. Мактабга Нодирабегим номи берилди.

АРЗОН НАРХДА

● УЛЬЯНОВ пахта тозалаш заводи қошида мойжувоз ишга туширилди. Элейтр қуввати билан ишлайдиган жувоз шаҳрисабзлик ҳунармандлар томонидан қуриб битказилди.

Мойжувоз ҳар куни 15—20 килограммдан зиғирмой ишлаб чиқаряпти. Ишлаб чиқарилаётган зиғирмой арзон нархда корхона ишчиларига сотилмоқда.

Бешкент пахта тозалаш заводи ҳузурида эса тикиш цехи қурилиб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. «Наврўз» тикувчилик цехи 50 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Кичик корхонада эркак ва аёллар, болалар кўйлаклари, ёстиқ жилдлари, чойшаблар, ишчилар учун махсус кийимбош тайёрланиб, аҳолига арзонлаштирилган нархда берилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРКАЗИЙ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИЛМГОҲИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БЎЛИМИ

техника хавфсизлиги ва эргономика лабораториясининг катта илмий ходимлари (2)

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.

ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИЛСИН: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

— «Сув ўтларини ўстириш лабораторияси» мудири лавозимига (60 ёшгача бўлган фан доктори ёки фан номзоди)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 15 КУН.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй. Танлов ҳайъатига. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 62-70-65, 62-70-85.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари вазирлиги коллегияси ва жамоаси Вазирликнинг бош мутахассиси И. Шокировга акаси

Ваҳобжон ШОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Средазгипроцелинстрой» илмгоҳининг жамоаси илмгоҳ директори Т. А. Мақсумовга отаси

Абдулла МАҚСУМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Средазагроремаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бош директори В. А. Антоновга онаси

Вера Александровна МАСЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 44

Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.